

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.03.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ТИЛЛАЕВА БАРНО РАМИЗИТДИНОВНА

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(«Ўзкимёсаноат» АЖ корхоналари мисолида)**

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Тиллаева Барно Рамизитдиновна

Саноат корхоналари инвестицион салоҳиятини ривожлантириш
механизмларини такомиллаштириш..... 3

Тиллаева Барно Рамизитдиновна

Совершенствование механизмов развития инвестиционного
потенциала промышленных предприятий..... 29

Tillaeva Barno Ramizitdinovna

Improving the mechanisms for developing the investment potential of
industrial enterprises..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ**

DSc.03/30.12.2019.I.03.05. РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ТИЛЛАЕВА БАРНО РАМИЗИТДИНОВНА

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(«Ўзкимёсаноат» АЖ корхоналари мисолида)**

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2021.4.PhD/Л.647 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdtu.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий рахбар: Аллаева Гулчехра Жалгасовна
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: Гулямов Саидасроҳ Саидрахмедович
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Бурханов Ақтам Усманович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор


Етакчи ташкилот: Тошкент кимё-технология институти


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.03.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» ¹² соат ^{10⁰⁰} даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32. e-mail: tstu_info@tdtu.uz).


Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (234 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32. e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил « _____ » _____ куни тарқатилди.
(2021 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).




Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор


Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби в.в.б., и.ф.и.,
доцент


Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ(фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ишлаб чиқариш маҳсулотлари (хизматлар), жумладан саноат маҳсулотлари бозорида рақобатнинг кескин даражада ортиб бориши инвестицион салоҳиятдан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириб боришни тақозо этмоқда. ЮНКТАД (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Савдо ва Ривожланиш бўйича Конференцияси) жаҳон инвестициялари ҳисоботида (2019й.) «инвестиция салоҳияти барқарор иқтисодий ривожланишнинг асосий воситаси ва саноат корхоналарининг инновацион фаолияти омили сифатида» тан олинган. Шу жиҳатдан бугунги кунда, айниқса ички инвестицион салоҳиятни ривожлантириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда инвестицион салоҳиятни мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда самарали ривожлантириш, бозор талаблари асосида инвестицион-ривожланиш механизмларини такомиллаштириш борасидаги илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур жараёнда саноат тармоқларига хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб этиш, ички имкониятларни инвестицияли салоҳиятга қаратиш, инвестицион фаолият субъектларининг инвестициялардан самарали фойдаланиши имкониятларини кенгайтириш каби йўналишларда устувор даражада тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш, жумладан саноат корхоналарини замонавий техник-технологик тенденциялар асосида ривожлантириш, қулай инвестицион муҳитни яратиш ва жозибадорлигини ошириш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. «Кимё саноатининг барча йўналишларини узоқ муддатли барқарор ривожланишига мустаҳкам замин яратиш учун соҳани трансформация қилиш жараёнларини, энг илғор хорижий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда жадаллаштириш зарурлигини тақозо этмоқда»¹. Бу борада ишлаб чиқаришнинг инвестицион салоҳият таркиби ва уларнинг боғлиқлиги ўсиш нуқтасини оптимал аниқлаш, ички бозорни ҳимоя қилиш ва маҳсулотлар экспортида инвестицион салоҳиятни ривожлантириш стратегияларини асослаш, ишлаб чиқариш айланмасига киритилмаган имкониятлардан самарали фойдаланиш каби йўналишлардаги тадқиқотларни янада чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегияси тўғрисида», 2017 йил 23 февралдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида», 2019 йил 14 майдаги ПФ-5717-сон «Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, шунингдек ушбу соҳага оид

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 февралдаги ПҚ-4992-сонли “Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори кўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишига доир устувор йўналишларга мослиги. Мазкур илмий тадқиқот иши республикада фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инвестицияларни иқтисодий аҳамияти, саноат тармоқлари ва хизматлар соҳаларини ривожланишида инвестицион фаолиятни роли ва инвестицион сиёсатни такомиллаштириш жараёнларини ўрганиш масалалари хориж олимлари Д.М.Кейнс, Х.М.Марковиц, Э.Бом-Баверк, И.Фишер, Р.Ф.Харрод, Р.Мертон, Ф.Модильяни, М.Х.Миллер, Дж.Тобин, М.С.Шоулз, Э.Альтман, К.Р.Макконнелл² ва бошқаларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган.

Инвестицияларни жалб этиш ва инвестицион жараёнларни таҳлил қилишга ўз илмий ишларида алоҳида эътибор қаратган МДҲ олимларидан А.Г.Аганбегян, В.В.Бочаров, А.Н.Дырдонов, Э.Н.Кулюшин, А.М.Марголин, М.Ю.Маковецкий, Ф.С.Тумусов³ ва бошқалардир.

А.Ш.Бекмуродов, С.С.Гулямов, М.А.Махкамова, Н.М.Махмудов, Н.Сирожиддинов, Н.Ф.Каримов, А.В.Вахабов, Н.А.Хашимова, У.С.Надырханов, Б.Б.Самарходжаев, Э.Х.Махмудов, Ф.У.Додиев, Д.Х.Набиев, А.Сабилов, С.А.Абдурахимова⁴ каби кўплаб маҳаллий

²Кейнс Д.М. Общая теория занятости, процента и денег. Избранное. The General Theory of Employment, Interest and Money, 1936. The Selected Works. Москва, Эксмо, 2007. С. 96; Markowitz Н.М. Portfolio Selection: Efficient Diversification of Investment. Wiley. New York. 1959, pp.23-29; Eugen Böhm-Bawerk. Positive Theory of Capital // Economic Logic. - 3rd ed. - Washington: Capital Press, 2010, pp. 265-266; Fisher Irving. The Theory of Interest. New York. The Macmillan company. 1930, pp.12-14; Harrod R.F. Doctrines of Imperfect Competition // Quarterly Journal of Economics 48 (May 1934), pp. 42-47; Merton Robert K. (December 1936). The Unanticipated Consequences of Purposive Social Action. American Sociological Review. 1 (6), pp. 34-39; Franco Modigliani and M.H. Miller. The Cost of capital, corporation finance and the theory of Investment // The American Economic Review, Vol.48, No. 3 (Jun. 1958), pp. 21-27; Tobin James. Money, capital and other stores of Value // American Economic Review, 1961.51(2), pp. 26-37; Myron Samuel Scholes. Financial infrastructure and economic growth. 1996. pp.23-26; Altman Edward. Corporate financial distress and bankruptcy, 3rd edition. John Wiley and Sons, 2005, pp.215-218; C.R. McConnell, S.L. Brue. Economics: principles, problems, and policies, fourteenth edition. 1992, p.32-36.

³Аганбегян А.Г. Инвестиции – основа ускоренного социально-экономического развития России. Москва// Деньги и кредит 2012. №5.-12с.; Бочаров В.В. Инвестиции. - СПб. Питер, 2002. -288с.; Дырдонов А.Н. Финансово-инвестиционный потенциал региона: система индикаторов, методика оценки, региональные различия: диссертация кандидата экономических наук: 08.00.05. - Казань, 2005.- 227с.; Кулюшин Е.Н. Инвестиционный потенциал и его использование в зависимости от институциональных условий. Казань. // Экономическая теория, Казань. 2010. №12. -34 с.; Марголин А.М., Быстряков А.Я. Экономическая оценка инвестиций. Москва, «Экмос», 2001,-240с.; Маковецкий М.Ю. Инвестиционное обеспечение экономического роста: теоретические проблемы, финансовые инструменты, тенденции развития. Москва. Анкил, 2005.-312 с.; Тумусов Ф.С. Инвестиционный потенциал региона: теория, проблемы, практика. Москва, «Экономика», 1999, - 272 с.

⁴Бекмуродов А.Ш. ва б. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш йилларида. 1-5-қисмлар. - Т.: 2005. - 310 б; Гулямов С.С. Сармоядорлар учун муҳит. - Ташкент.: 2005. -156 с.; М.А.Махкамова. Инвестициявий жозибadorликнинг муҳим белгиси. Народное слова/Халқ сўзи газета 27 февраль, 2019 йил, № 40, (7270) Тошкент. Махмудов Н.М. Инвестициялар - иқтисодиётнинг манба воситаси // Ўзбекистонга хорижий инвестициялар. - Т.: 2008. №2.-50 б.; Сирожиддинов Н. Ўзбекистон ташқи савдо самарадорлигини оширишнинг назарий ва услубий жиҳатлари: Иқтисод фанлари доктори диссертацияси.- Т.: УМЭД, 2005; Каримов Н.Ф. Ўзбекистон Республикасида инвестицион лойиҳаларни такомиллаштириш йўллари.-Т.: Fan

олимларнинг илмий изланишларида саноат корхоналарида инвестиция жараёнларини ривожлантириш ва улардан самарали фойдаланишнинг айрим жиҳатлари кўриб чиқилган.

Ушбу илмий ишларда инвестицияларни иқтисодиётдаги муҳим илмий-амалий аҳамияти тадқиқ этилиши билан биргаликда, рақамли иқтисодиёт шароитида саноат корхоналари инвестицион салоҳиятини самарали шакллантириш ва ошириш механизмини ривожлантириш, хусусан, кимё саноати инвестицион салоҳиятини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш бўйича самарали стратегияни амалга ошириш масалалари тўлиқ ёритиб берилмаган. Ушбу масалаларнинг долзарблиги ва етарлича ўрганилмаганлиги мазкур илмий тадқиқотнинг зарурлигини белгилаб берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №Ф-1-100 «Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантириш ва модернизация қилиш шароитида инвестицион салоҳият назариясини ҳамда унинг шаклланиш механизмини яратишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган (2017-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси кимё саноати корхоналарининг инвестицион салоҳиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кимё саноати корхоналарининг инвестицион салоҳиятини шакллантиришнинг назарий ёндашувларини тизимлаштириш;

саноат корхоналари, жумладан, “Ўзкимёсаноат” АЖ корхоналарида инвестицион фаолиятни амалга ошириш ва инвестицион салоҳиятни ривожлантиришнинг назарий-услубий жиҳатларини тадқиқ этиш;

республика кимё саноати корхоналарининг инвестицион салоҳиятини шакллантирувчи асосий омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

инвестицион салоҳиятни шакллантирувчи омиллар асосида уларни баҳолаш индикаторларини такомиллаштириш;

va technology, 2007. -1926; Вахабов А.В., Разыкова Г.Х., Хажикакиев Ш.Х. Хорижий инвестициялар ва миллий иқтисодиётни модернизация қилиш.-Т.: Молия. 2011. -298 б.; Н.А.Хашимова Совершенствование научно-методологических основ развития инвестиционного потенциала в Республике Узбекистан //Автореферат на соиск. уч. ст. док.экон. наук. Т., 2017. Надырханов У.С. Ўзбекистонга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар: тажриба, муаммолар, ўсиш истикболлари. -Т.: Фан ва технология. 2011. -129 б.; Самарходжаев Б.Б. Ўзбекистон Республикасига инвестициялар (халқаро - хусусий ҳуқуқ аспекти). - Т.: Академия, 2003. - 240 б; Махмудов Э.А. Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизми: Иқтисод фанлари номзоди диссертацияси.-Т.: ЎЗР ФА Иқтисодиёт институти. 2005; Додиев Ф.У. Инвестицион фаолиятни молиявий рағбатлантириш: Иқтисод фанлари номзоди диссертацияси. - Т.: ТашФИ. 1998. - 216 б.; Набиев Д.Х. Таълим соҳасидаги инвестицияларнинг молиялаштириш масалалари (Ўзбекистон ўрта махсус, касб-хунар таълим тизими мисолида):Иқтисод фанлари номзоди диссертацияси. - Т.: ТДИУ.2003. - 189 б.; Сабиров А. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестициялар жалб этишни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди диссертацияси. - Т.: ТДИУ. 2009; Абдурахимова С.А.Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солиш. Иқтисод фанлари номзоди диссертацияси.-Т.: ТДИУ. 2012.

«Ўзкимёсаноат» АЖ ва унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг инвестицион салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг иқтисодий омилларини эконометрик баҳолаш;

инвестицион салоҳиятни ўсиш захираларини ҳисоблаш бўйича баҳолаб чиқиш;

миллий иқтисодий ва технологик модернизациялаш шароитида кимё саноати корхоналарининг инвестицион салоҳиятини ривожлантириш механизмининг такомиллаштириш;

хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш асосида кимё саноатининг инвестицион салоҳиятини ривожлантириш стратегияси учун модель ва мақбул сценарийси таклифларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси кимё саноати корхоналарининг инвестицион салоҳиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналар инвестицион фаолияти олинган.

Тадқиқот предмети кимё саноати корхоналарининг инвестицион салоҳиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришнинг ташкилий ва иқтисодий муносабатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида диалектик, тизимли ва синергетик ёндашув, статистик таҳлил, монографик ёндашув, иқтисодий-математик ҳамда эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кимёвий минерал ўғитларни ишлаб чиқаришнинг инвестицион салоҳияти таркибининг (молиявий, моддий-ресурс, инновацион, интеллектуал...) ўзаро боғлиқлиги шароитида ўсиш нуқтаси сифатида инновацион салоҳиятни белгилашнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги асосланган;

кимё саноати соҳасида ички бозорни химоя қилиш, маҳсулотлар жадал экспортининг ривожлантириш негизида «Глобал Экспортчи» ғоясига асосланган ҳолда соҳа инвестицион салоҳиятини ривожлантириш стратегиясининг мақбул сценарийси ишлаб чиқилган;

кимё саноати корхоналари, хусусан «Дехқонобод калий заводи»нинг инвестицион салоҳият самарадорлигига ёндашув инвестицион салоҳият ўсиш захиралари, жумладан молиявий, моддий, инновацион ресурс ва инсон агрегатларининг мувофиқлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

«Дехқонобод калий заводи»да ишлаб чиқариш айланмасига киритилмаган имкониятларни ишга тушириш ҳисобига инвестицион салоҳиятни 10%га ошириш имконияти асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кимё саноатида синтетик аммиак, каустик сода, диацетилцеллюлоза, полиэтилен трубаларни ишлаб чиқаришда янги техника ва технологияларни қўллаш учун инвестицион салоҳиятини ривожлантириш мақсадида

инвестицион стратегиянинг замонавий модели тузилган ва уни энг мақбул сценарийси таклиф қилинган;

кимё саноатининг инвестицион салоҳиятининг ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш асосида тармоқда минерал ўғитлар ва кальцийлаштирилган содани ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун янги имкониятлар яратувчи илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

кимё саноати корхоналарини инвестицион салоҳиятини ўсиш захираларини баҳолаш асосида инвестицион салоҳиятнинг таркибий қисмлари бўйича салоҳиятни ривожлантириш имкониятлари аниқланган;

инвестицион салоҳиятни ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф этилаётган асосий йўналишлар кимё саноати корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан - барқарор ривожланишига йўналтирилган инвестицион салоҳиятни юксалтириш жараёнларини самарали ривожлантиришни такомиллаштиришга доир асосий чора-тадбирлар таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, статистик маълумотлар расмий манбалардан олинганлиги, берилган илмий-назарий таклиф ва тавсиялар амалда синовдан ўтказилганлиги, амалиётга жорий этилганлиги ва уларнинг натижаларини ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инвестицион салоҳиятни ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш, инвестицион салоҳиятини самарадорлигини ошириш, инвестицион салоҳиятни ривожлантириш механизмини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар саноат корхоналари инвестицион салоҳиятини ривожлантиришнинг услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти инвестицион салоҳият агрегатлари таҳлили натижасида кимё саноати корхоналари инвестицион салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги ва ўсишининг ўзига хос жиҳатлари аниқлангани ҳамда ишлаб чиқилган хулосалардан олий ўқув юртларида «Инвестицион лойиҳалар таҳлили» ва «Инвестицияларни баҳолаш» фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Саноат корхоналари инвестицион салоҳиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кимёвий минерал ўғитларни ишлаб чиқаришнинг инвестицион салоҳияти қисмларининг (молиявий, моддий-ресурс, инновацион, интеллектуал) ўзаро боғлиқлиги ўсиш нуқтаси сифатида инновацион салоҳиятни белгилашнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги бўйича таклифлар «Ўзкимёсаноат» АЖ фаолиятига, жумладан «Дехқонобод калий заводи» АЖ фаолиятида фойдаланилган («Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 20 октябрдаги 24-4008-сон ҳамда «Дехқонобод калий заводи» акциядорлик жамиятининг 2020 3 сентябрдаги 04-023/2639-сон маълумотномалари). Мазкур таклифларни қўллаш натижасида «Дехқонобод

калий заводи» АЖнинг инвестицион салоҳиятининг таркибий қисмлари ва уларни амал қилишининг асосий механизмларини аниқлаш имкони такомиллаштирилган;

кимё саноати соҳасида ички бозорни ҳимоя қилиш, маҳсулотлар жадал экспортининг ривожлантириш негизида «Глобал Экспортчи» ғоясига асосланган ҳолда соҳа инвестицион салоҳиятини ривожлантириш стратегияси бўйича таклифлар «Ўзкимёсаноат» АЖ фаолиятига жорий этилган («Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 20 октябрдаги 24-4008-сон маълумотномаси). Таклифларни амалиётга жорий этилиши натижасида кимё саноати корхоналари инвестицион салоҳиятни ривожлантиришнинг мақбул стратегиясини ишлаб чиқишда маҳсулотлар рақобатбардошлилигини ошириш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилган;

кимё саноати корхоналарининг инвестицион салоҳият самарадорлигига ёндашув инвестицион салоҳият ўсиш захиралари, жумладан молиявий, моддий, инновацион ресурс ва инсон агрегатларининг мувофиқлигини таъминлаш асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар «Ўзкимёсаноат» АЖ амалиётида қўлланилган («Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 20 октябрдаги 24-4008-сон ҳамда «Дехқонобод калий заводи» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 3 сентябрдаги 04-023/2639-сон маълумотномалари). Ушбу таклифларнинг амалиётга тадбиқ этилиши «Дехқонобод калий заводи» АЖ инвестицион салоҳиятдан самарали фойдаланиш бўйича мавжуд имкониятларни ишлаб чиқариш айланмасига жалб қилиш имконини кенгайтирган;

ишлаб чиқариш айланмасига киритилмаган имкониятларни ишга тушириш ҳисобига инвестицион салоҳиятни ошириш бўйича таклифлар «Дехқонобод калий заводи» фаолиятига қўлланилган («Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 20 октябрдаги 24-4008-сон ҳамда «Дехқонобод калий заводи» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 3 сентябрдаги 04-023/2639-сон маълумотномалари). Мазкур таклифларни амалиётга жорий этилиши «Дехқонобод калий заводи» АЖнинг инвестицион салоҳиятини 10% га ошириш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича жами 7 та, шу билан бирга 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ОАК эътироф этган журналларда 6 та мақола, 2та хорижийжурналларида илмий мақолалар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 142 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети шакллантирилган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Саноат корхоналари инвестицион фаолиятни амалга оширишда инвестицион салоҳиятдан самарали фойдаланишнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобда инвестицион салоҳиятнинг мазмуни ва иқтисодий моҳияти ҳамда у билан боғлиқ илмий ёндашувлар ва тушунчалар тавсифланган. Инвестицион салоҳиятни шарҳлашга оид илмий ёндашувлар таҳлил қилинган ва тизимлаштирилган. Инвестицион салоҳиятнинг таркиби ва тузилишини аниқлашда хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишлари чуқур ўрганилган ва инвестицион салоҳиятни қамраб олувчи элементлари бўйича энг муҳим таркибий қисмлари аниқланган. Таҳлиллар натижасида инвестицион салоҳиятнинг матрицали тузилиши ишлаб чиқилган.

Замонавий назариялар ва илмий йўналишларни чуқур ўрганиш ҳамда умумлаштириш шуни кўрсатмоқдаки, инвестицион салоҳият тушунчаси хорижий адабиётларда, шу билан бирга маҳаллий адабиётларда ҳам кўп ҳолларда ресурслар базасининг мавжудлиги билан боғланади. Ҳар қандай салоҳият шундай аниқланади, лекин унга турли сифатга эга салоҳиятлар гаммаси, масалан, табиий, ишлаб чиқариш, меҳнат салоҳияти ва бошқаларни киритадиган бўлсак, инвестицион ва иқтисодий салоҳият ўртасидаги тафовут йўқолади, бу тушунчалар моҳиятига кўра бир-бири билан аралашиб кетади.

Инвестицион салоҳиятнинг юзага келиш жараёни бевосита ресурслар, яъни инвестицион манбалар билан боғлиқ. Ўз навбатида, инвестицион салоҳият мавжудлиги улар пайдо бўлишининг муҳим шарти ҳисобланади. Қулай инвестиция муҳитини яратиш, инвестиция сиёсатининг устуворликлари ва йўналишларини ишлаб чиқиш пировардида ҳар бир алоҳида корхона учун инвестиция қарорини қабул қилишга олиб келиши керак. Агар шароитлар мақбул бўлса, қўйилмаларнинг ўсиши учун рағбатлар мавжуд бўлиб, зарур инвестиция манбаларига эга корхоналар инвестиция қилади ва ишлаб чиқариш ривожлана бошлайди.

Бизнинг фикримизча, мамлакатда иқтисодий ўсиш кузатилаётган бўлса, ўзлаштирилаётган инвестициялар ҳажми ўсиб бораётган бўлса, бу мамлакатнинг инвестиция сиёсати самарадорлигини, қулай инвестиция муҳити ва фаол инвестиция салоҳиятини яратишини тавсифловчи кўрсаткичидир. Тадқиқотлар кўрсатадики, инвестицион салоҳиятни баҳолашнинг икки хил ёндашуви мавжуд: улар инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилишнинг кенг тарқалган усуллари асосидаги маҳаллий ва

инвестицион фаолиятни бошқариш ҳамда ривожлантириш жараёнларини умумий тарзда (бир бутун яхлит ҳолда) тавсифловчи кўрсаткичлар тўпламига асосланган интеграциялашган ёндашув. Мазкур тизим кириш ва чиқиш кўрсаткичлари гуруҳларини ўз ичига олади: инвестициялар, ҳажм кўрсаткичлари, инвестиция лойиҳалари параметрлари, ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари, молиявий натижалар ва барқарорлик. Ушбу ўзаро боғлиқ муносабатлар тизимида молиявий кўрсаткичлар занжири (ёки блок) устувор аҳамиятга эга. Корхоналарнинг инвестицион салоҳиятини ривожлантириш асосан ишлаб чиқариш хусусиятларини, корхонани ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлиги, корхоналар маҳсулотларига истеъмол талаби ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда комплекс (мажмуавий) ёндашувни талаб қилади.

Инвестицион салоҳият агрегатлари	Имкониятларни сафарбар қилиш даражаси			
	Корхоналар	Тармоқ	Мезодаража	Макродаражада
Молиявий	Корхона амортизация фонди, соф фойда, бирлашманинг марказлаштирилган фонди	Тармоқ дастурлари доирасида молиялаштириш	Маҳаллий бюджетларнинг инвестиция фаолиятга мўлжалланган маблағлари, банк ва инвестиция ташкилотларининг салоҳияти, қимматли қоғозларнинг жалб қилиниши, жисмоний ва юридик шахсларнинг жамғармалари.	Пул-кредит оқимларини сафарбар қилиш. Жамғарма, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар
Моддий ресурсли	Ишлаб чиқариш жараёнини янгилаш ва модернизациялашнинг ўз имкониятлари	Тармоқ корхонасини ишлаб чиқариш жараёнини техник-технологик янгилаш бўйича ички имкониятлар	Корхоналарни техник-технологик жиҳатдан янгилашни ташкил қилишни ўз ичига олган минтақавий саноат кластерлари	Моддий ва хом ашё базаси, ишлаб чиқариш қувватлари, асосий фондлар.
Инновацион	Корхоналар илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик бўлимлари фаолиятининг натижалари	Тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, инновацион фаолият ва уларнинг натижалари	Инновацион фаолиятга хизмат қилувчи таркибий ва ташкилий тузилмалар	Инновация АКТ жорий этиш, Илмий-тадқиқот, лойиҳа конструкторлик институтлари
Интеллектуал салоҳият	ИТТКИ, инновацион ва инвестицион лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жорий этишда банд бўлган ходимлар.	Кимё саноати корхоналари ва уларнинг таркибига қирувчи ИТИ, лойиҳалаш бюроларида банд бўлган ходимлар	Кимё саноати қошидаги ИТИ, лойиҳалаш бюролари, инновацион фаолиятни таъминлайдиган тизимлар, ИТТКИ мутахассислари	Кимё саноатида ва меҳнат салоҳияти. Соҳа бўйича кадрларни тайёрлаш ва МО ташкилотлари

1-расм. Корхона инвестицион салоҳиятининг кўп ўлчовли матрицали тузилиши⁵

Фикримизча, номоддий активларга инвестициялар (патентлар, ихтиролар, ноу-хау) илмий-тадқиқотлар, тажриба-конструкторлик ишланмалари ва технологик ишларга сарфланадиган харажатлар номолиявий активларга киритилган барча инвестицияларнинг 1 фоизини ҳам ташкил этмайди⁶.

⁵Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

⁶Ўзбекистон рақамларда.2019 й. Стат.тўлам/Тошкент давлат статистика қўмитаси. - Т., 2019.

Ишда муаллиф томонидан иқтисодий тизимнинг турли даражаларига нисбатан инвестицион салоҳиятнинг таркибий қисмлари ва уларни амал қилишининг асосий механизмлари акс эттирилган кўп ўлчовли матрицали жадвал ишлаб чиқилди (1-расм). Расмдан кўриниб турибдики, инвестицион салоҳиятининг ташқи ва ички қисмларга бўлиниши нисбий характерга эга бўлиб, корхоналар учун узоқ муддатли банк кредитлари, бюджет маблағлари ва аҳоли жамғармаларини жалб қилиш имкониятлари ташқи манбаларни ташкил этади, мамлакат ёки минтақа учун ички манбалар ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиётни шаклланиши шароитида давлатлар миллий иқтисодиёти даражасида ҳалқаро молиявий бозорлар, инвестиция товарлари бозорлари, интеллектуал ва илмий-техник маҳсулотлар бозорлар, ҳалқаро меҳнат бозорларидаги фаолиятнинг шиддатли ривожланиши натижасида саноат корхоналарининг инвестицион салоҳияти ҳам молиявий, моддий, инновацион ва интеллектуал таркиби жиҳатидан кенгайиб бормоқда. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида, Ўзбекистоннинг БМТга киришга интилиши, ҳалқаро таркибий қисмлар ўзгариши ҳисобига инвестиция салоҳиятининг кенгайиши янги имкониятларга эга бўлиб, уни шакллантириш механизмида муҳим вазифага айланади.

Фикримизча, кимё саноати корхоналарида инвестициялар ҳажмини амортизация фонди ва соф фойда манбалари билан таққослаш орқали, молиявий қисмида ички инвестиция салоҳиятидан фойдаланишни баҳолаш мумкин. Инвестицион салоҳиятни баҳолашда кимё саноати учун инвестицион салоҳиятини асосан ташқи инвестициялаш ҳисобига бўлгани учун, ушбу корхонага ҳақиқий жалб қилиниши мумкин бўлган ташқи маблағ миқдоридан келиб чиқиб баҳоланиши мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотлар кўрсатадики, кимё саноатида ҳам инвестицион салоҳиятни оширишда инвестицияларни таъминлайдиган жараёнлар ва омилларни мутаносиблиги, мазкур жараёнларни самарали ривожлантириш тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб хилма-хилликни талаб қилади. Кимё саноатида ҳам инвестицион салоҳият кўп ўлчовли тизим сифатида шаклланадиган инвестиция жараёнининг ресурс имкониятларини тавсифлайди. Ички ва ташқи салоҳиятдан фойдаланиш корхона тармоқ ва мамлакат инвестицион жозибадорлиги, ҳамда инвестицион муҳитни яхшиланиши, такомиллаштирилишини тақозо этади.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикаси кимё саноати корхоналарида инвестицион салоҳиятнинг замонавий ҳолати ва ривожланиш тенденцияларининг таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида кимё саноатида инвестицияларни жалб қилишнинг замонавий ҳолатининг таҳлили, инвестиция жараёнлари ривожланишининг тармоққа хос хусусиятлари, ташкилий асослари, тармоқ корхоналари ва жамиятларида инвестицион жозибадорлик ва ундан самарали фойдаланишнинг иқтисодиёт механизмини ташкил этувчи кўрсаткичлар таҳлил этилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда кимё ва нефть-кимё саноати миллий иқтисодиётнинг устувор тармоқларидан бири бўлиб, унга минерал ўғитлар, ноорганик моддалар ва энергетика, олтин-конт ва кимё саноатлари учун кимё

реагентларини ишлаб чиқарувчи, органик кимё, сунъий тола ва полимер материаллари, ўсимликларни муҳофаза қилиш кимё воситалари ҳамда кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқарувчи корхоналар киради. Ушбу корхоналарнинг маҳсулотлари мамлакат ЯИМ саноат маҳсулотлари структураси таркибида салмоқли улуш (8,9%)ни ташкил қилиб, улар «Ўзкимёсаноат» АЖ томонидан холдинг тузилмаси сифатида бошқарилади⁷.


Бугунги кунда республикамизнинг кимё саноати бўйича асосий ва етакчи бўлган «Ўзкимёсаноат» Акциядорлик жамияти нафақат ички инвестицияларни, балки хорижий инвестицияларидан ҳам самарали фойдаланади.

Тадқиқотда муаллиф томонидан «Ўзкимёсаноат» АЖ ва унинг корхоналарида инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишни шартли равишда иккига бўлиб ўрганилди:

1.«Ўзкимёсаноат» АЖ ва унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг ички инвестициялаш ҳолатининг таҳлили;

2.«Ўзкимёсаноат» АЖ таркибига кирувчи корхоналарнинг хорижий инвестицияларидан самарали фойдаланишида инвестицион салоҳиятнинг роли ваҳолатининг таҳлили.

«Ўзкимёсаноат» АЖ таркибидаги бир неча акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлари ва унитар корхоналари устав капиталларида қатнашади ва қонунчиликка мувофиқ компания учун шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари ҳисобланади. «Ўзкимёсаноат» АЖ уларнинг 20% дан 100% гача устав капиталларида иштирок этади ҳамда ушбу корхоналар билан корпоратив ўзаро муносабатларни амалга оширади(2-расм).



2-расм. «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқарув аппаратининг тузилмаси⁸

Таҳлиллар кўрсатадики, «Ўзкимёсаноат» АЖ нинг ўз акциядорлик

⁷Давлат статистика Кўмитасининг 2020 йил яқунлари бўйича маълумотлари.

⁸«Ўзкимёсаноат» АЖ маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

корхоналарини бошқаришдаги иштироки компания устав фондига топширилган акциялар пакетлари орқали амалга оширилади. «Ўзкимёсаноат» АЖ корхоналар кузатув кенгашлари таркибига сайланган вакилларига эга бўлиб, у ушбу вакиллар орқали ўз таркибига кирувчи шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари фаолиятини бошқаради ва мувофиқлаштиради, уларнинг кузатув кенгашларида вакиллик қилиш ва уларда қарорлар қабул қилиш орқали компаниянинг акциядор сифатидаги манфаатларини, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилишларида иштирок этиш орқали давлат манфаатларини амалга оширади.

Шунга кўра, «Ўзкимёсаноат» АЖ таркибидаги аксарият корхоналарининг акциядорлик капитали структурасида асосан давлат улуши устунлик қилади, фақатгина «Максам-Чирчиқ» АЖ, «Аммофос-Максам» АЖ ҳамда «Электрокимё завод» АЖ ҚК акциядорлик жамиятларида хорижий инвесторлар фаолият юритади, бошқа юридик ва жисмоний шахс акциядорларининг улуши эса муҳим эмас(1-жадвал).

«Ўзкимёсаноат» АЖ ва унинг корхоналарида ҳозирги кунда 170 турдан ортиқ кимё ва нефть-кимё (синтетик аммиак, каустик сода, диацетилцеллюлоза, кимёвий толалар, полиэтилен трубалар ҳамда кальцийлаштирилган сода) маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Уларнинг аксарияти минерал ўғитлар (азотли, фосфорли, калийли ўғитлар) ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

1-жадвал

«Ўзкимёсаноат» АЖ таркибидаги кимё саноати корхоналарининг акциядорлик капитали структураси⁹

Корхона номи	Давлат улуши		Акциядорлар (юридик ва жисмоний шахслар) улуши, %	Хорижий инвесторлар улуши, %
	«Ўзкимёсаноат» АЖ устав фондига берилган давлат улуши, %	«Давлат активларини бошқариш маркази» ДУК берилган давлат улуши, %		
«Навоийазот» АЖ	51,0	49,0	-	-
«Фарғонаазот» АЖ	51,0	48,05	0,95	-
«Максам-Чирчиқ» АЖ	51,0	-	-	49,0
«Аммофос-Максам» АЖ	51,0	-	-	49,0
«Самарқандкимё» АЖ	39,65	60,35	-	-
«Электрокимё завод» АЖ ҚК	26,0	-	19,0	55,0
«Жиззах пластмасса» АЖ	25,0	61,04	13,96	-
«Кўкон СФЗ» АЖ	25,0	70,54	4,46	-

Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғриси»даги қарорига асосан дастур бўйича умумий қиймати 3,1 миллиард долларга тенг 43та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, саноат маҳсулотлари ҳажмини 2,4 марта,

⁹«Ўзкимёсаноат» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

экспортни 2,7 баробар ошириш, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар улушини 42,5 фоизга етказиш ҳамда 43 та янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, 3,2 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилган. Тармоқнинг экспорт-импорт фаолиятини тартибга солиш, ташқи савдо жараёнлари шаффофлигини таъминлаш, энг асосийси, ташқи бозорларда кимё маҳсулотларини сотиш ҳажмини ошириш ва географиясини кенгайтириш, рақобатбардош ва жозибадорлигини янада оширишни таъминлаш мақсадида «Ўзкимёимпэкс» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди (2-жадвал).

2-жадвал

«Ўзкимёсаноат» АЖ молиявий кўрсаткичларининг ўзгариши¹⁰


Молиявий кўрсаткичлар	Йиллар					2019 йилда 2015 йилга нисб. ўзгар	
	2015	2016	2017	2018	2019	(+,-)	%
Молиявий натижаларнинг асосий кўрсаткичлари, млрд. сўм							
Маҳсулот сотишдан даромад – жами тармоқ бўйича, ш.ж.	3559,6	2597,8	3517,4	4319,4	5580,7	2021,1	156,8
кимё ташкилотлари бўйича	3559,6	2597,8	3517,4	4319,4	5580,7	2021,1	156,8
ижро аппарати бўйича	-	-	-	-	-	-	-
Соф фойда – жами тармоқ бўйича, ш.ж.	-38,9	-21,3	26,5	34,1	42,9	81,8	43 марта
кимё ташкилотлари бўйича	-40,2	-25,0	18,7	29,4	38,7	78,9	39 марта
Ижро аппарати бўйича	1,3	3,7	4,3	4,7	5,2	3,9	4 марта
Баланс молиявий кўрсаткичлари, млрд. сўм							
Узоқ муддатли активлар	237,3	492,7	520,3	562,4	591,1	353,8	249,1
Жорий активлар, ш.ж.	18,4	46,2	47,5	49,7	53,1	34,7	288,6
Дебиторлик қарзлари	10,0	38,4	40,6	42,6	44,6	34,6	4,5 марта
Хусусий капитал	219,4	502,6	628,8	770,2	903,5	684,1	4,1 марта
Мажбуриятлар, ш.ж.	36,3	36,3	37,5	39,1	40,7	4,4	112,1
Кредиторлик қарзлари	1,4	1,4	1,4	1,4	1,4	0	100

«Ўзкимёсаноат» АЖнинг кўпгина молиявий кўрсаткичлари сўнгги беш йил ичида ижобий бўлишига қарамасдан, умуман тармоқ бўйича айрим молиявий кўрсаткичлар салбий натижани кўрсатмоқда. Хусусан, 2015 йилгача кимё корхоналари томонидан маҳсулот сотишдан даромад йилига ўртача 113,1% га ўсиб борган. Бироқ 2016 йилда тармоқ бўйича маҳсулот сотишдан даромад 2015 йилга нисбатан 961,7 млрд.сўмга камайган.

Тармоқ бўйича соф фойда кўрсаткичи охириги йилларда салбий натижани кўрсатмоқда. Бунга асосан кимё ташкилотлари бўйича олинган соф фойда кўрсаткичлари, хусусан, 2015-2016 йилларда «Навоийазот» АЖ ва «Максам-Чирчиқ» АЖ ларда ҳосил бўлган катта миқдордаги зарарлар сабаб бўлган. Шунга қарамасдан, ижро аппарати бўйича соф фойда 2019 йилда энг катта миқдор 5,2 млрд. сўмни ташкил этиб, охириги йилларга нисбатан ўртача 3,9 бараварга ошган (3-расм).


Сўнгги 4 йил ичида (2015-2019 йиллар) инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширилиши тармоқда инвестиция ҳажмини йилига ўртача 224,0% суръат билан ошиб боришга имкон берди(3-расм).

¹⁰«Ўзкимёсаноат» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



3-расм. Кимё саноати корхоналарининг инвестиция ўзлаштириш динамикаси¹¹

Тадқиқотда муаллиф томонидан республика кимё саноати корхоналари ривожланишининг замонавий тенденцияларини таҳлил қилиш асосида саноат корхонасининг инвестицион салоҳиятини баҳолаш ва самарадорлигини аниқлаш учун кўрсаткичлар (индикаторлар) тизими таклиф қилинган (4-расм).



4-расм. Кимё корхонасида инвестицион салоҳиятни интеграл баҳолаш схемаси¹²


¹¹«Ўзкимёсаноат» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ишда таклиф этилган инвестицион салоҳиятни интеграл баҳолаш ҳар бир таркибий қисмни ташкил этувчи турли хил шароитлар ва омилларнинг ўзаро таъсирини ва уларнинг умумий хусусиятларини ҳисобга олишга имкон берадиган агрегат ёндашувга асосланади.

Инвестицион салоҳиятларни интеграл баҳолашнинг такдим этилган умумий схемаси агрегатларнинг тузилишини тавсифловчи танланган кўрсаткичлар сонини кенгайтириш (ёки қисқартириш) орқали аниқлаб олиниши мумкин. Инвестицион салоҳиятнинг ҳолатини баҳолаш билан бир қаторда, якуний натижаларни ҳисобга олган ҳолда ундан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш муҳимдир. Ҳам ташки, ҳам ички омиллар билан боғлиқ бўлган сармоявий чекловларнинг кучайиши шароитида мавжуд заҳиралар ва имкониятлардан фойдаланишнинг долзарблиги соҳа инвестиция салоҳиятининг ҳар бир таркибий қисмидан фойдаланиш самарадорлигига асосланиб ўсади. Шунга кўра, биринчидан, кимё саноати корхоналарида инвестицияларни таҳлил қилишнинг иқтисодий самарадорлигини ушбу агрегатлар асосида илмий-услубий таъминлашни такомиллаштириш талаб қилинади, уларнинг хусусиятлари ва соҳанинг умумий инвестиция стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, уларни макро ва микро даражада баҳолаш воситаларини ишлаб чиқиш талаб қилади. Иккинчидан кимё корхоналарида инвестицион салоҳиятни нафақат ҳозирги, ҳамда якуний натижаларни ҳисобга олиш, келгуси прогноз параметрларини ҳам ҳисоблаш имконияти яратилади.

Диссертацияда «Ўзкимёсаноат» АЖни таркибига кирувчи «Деҳқонобод калий заводи» АЖнинг инвестицион салоҳиятининг шаклланиш самарадорлигини оширишнинг асосий иқтисодий омилларини эконометрик баҳолаш асосида инвестицион салоҳиятни кўп омилли таҳлил қилиш модели ишлаб чиқилган. Модель асосида кимё саноат корхоналарининг 2010-2019 йиллардаги фаолият кўрсаткичи ва 2021-2025 йиллардаги прогноз кўрсаткичлари таклиф этилган(5-расм). Таклиф этилаётган моделда инвестицион салоҳиятни омилли таҳлил қилиш учун дастлаб зарур бўлган кўрсаткичлар аниқлаб олинди ва кўрсаткичлар маълумотлар базасида киритилади, шу асосда омилли таҳлил учун маълумотлар базаси шаклланди.

¹²Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



5-расм. «Дехқонобод калий заводи» АЖнинг инвестицион салоҳият самарадорлигини кўп омилли таҳлил қилиш модели¹³

Инвестицион салоҳиятни кўп омилли таҳлил қилиш модели ёрдамида инновацион ривожланишга ўтиш жараёнида саноат корхоналарида инвестицион салоҳиятни ошириш учун самарали иқтисодий ва бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Замонавий бошқарув тизими эса иқтисодий жараён ва ҳодисаларнинг келгусидаги ҳолати ҳамда кўламини аниқлашда ишончли усул ва воситалардан фойдаланишни тақозо этади. Саноат корхоналарида инвестицион салоҳиятни оширишга таъсир кўрсатувчи асосий иқтисодий омилларни эконометрик баҳолашда иқтисодий-математик усулларвоситасида мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларнинг боғлиқлик кучини тадқиқ этиш, уларнинг қонуниятларини аниқлаш ва тажриба орқали кузатиш имконини беради.

Бу эса «Ўзкимёсаноат» АЖ инвестицион салоҳиятни оширишининг ҳар бир омилини инобатга олган ҳолда саноат корхоналарида инвестицион сиёсатни тўғри ташкил этиш ва тартибга солиш тадбирлар йўналишларини аниқлаш имконини беради. Бунда модел тузилишининг энг муҳим босқичи натижавий, башорат қилинган кўрсаткичнинг танлаб олинган омилларга боғлиқлигини тавсифловчи эконометрик ифодани танлашдан иборат бўлади(3-жадвал).

¹³Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

**«Ўзкимёсаноат» АЖинвестицион салоҳиятга таъсир этувчи асосий
иқтисодий омиллар бўйича прогноз модели¹⁴**

Модел кўриниши	F - Фишер мезонининг ҳисобланган қиймати
$X_3 = 22,146^{0,0019t}$	18,245
$X_5 = 1,315 + 3,29t - 0,618t^2 + 0,523t^3$	351,56
$X_6 = 257,4 + 1,031t - 0,396t^2 + 508,9t^3$	87,2
$X_{10} = 0,417e^{0,24t}$	120,14
$X_{14} = 896,01 - 94,32t + 38,15t^2 + 0,841t^3$	64,07

Бу ерда: X_3 - ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги, %да;

X_5 - корхонанинг молиявий мустақиллиги, %да;

X_6 - моддий-табиий ишлаб чиқариш бойликлари захираси, %да;

X_{10} - ишчи-ходимларнинг меҳнат фаолияти самарадорлиги, млн.сўм;

X_{14} - диверсификация қилиш эвазига эришилган натижа, %да.

Шундай қилиб, таҳлил натижалари коэффицентини баҳолаш орқали ишлаб чиқилган чизикли регрессия модели куйидаги кўринишга эга:

$$Y = 895,246 + 0,3187X_3 + 0,3275X_5 - 1,485X_6 - 11,782X_{10} + 0,812X_{14}$$

$$R^2 = 0,973; F_{\text{ҳақиқий}} = 26,18; DW = 1,752$$


Шуни қайд этиш мумкинки, танлаб олинган ўзгарувчан омиллар натижавий кўрсаткич ўзгаришига бевосита таъсир кўрсатувчи омилларни ташкил этади. Регрессия коэффицентини ўзгарувчи омилнинг бир бирликка ўзгариши натижавий кўрсаткичнинг ўртача ўзгаришини ўзида ифода этади. Фойдаланилган усуллар ёрдамида инвестицион салоҳиятга таъсир кўрсатувчи омилларнинг истиқбол моделини тузишда (экспоненциал ва даражали функциядан фойдаланилган) танланган саноат корхонасининг 2010-2019 йиллардаги статистик маълумотлардан кенг фойдаланиб, инвестицион салоҳиятга бевосита таъсир этувчи омилларнинг X_3 , X_5 , X_6 , X_{10} ва X_{14} учун юқоридаги прогноз моделини ҳосил қилдик.

Регрессион таҳлиллар ёрдамида аниқланган натижалардан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинаётган кимёсаноат корхонасида меҳнат натижасининг келгуси давр истиқболларини ишлаб чиқиш имконини берди. Бунга мувофиқ, корхонада таҳлил қилинган ҳар бир омилнинг 2021-2025 йиллардаги прогноз параметрлари ва уларни умумлаштирган ҳолда умумий инвестицион салоҳият ўзгариши ҳисоблаб чиқарилди. Кимёсаноат корхонаси фаолиятини регрессия таҳлил омилларини инобатга олган ҳолда тўғри ташкил этилиши ҳисобига, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги коэффицентини 2025 йилда таҳлил даврига (2019 йилда 0,01) нисбатан 0,40 бандга ошириш, корхонанинг молиявий мустақиллиги даражасини 0,19 дан 0,59 гача ошириш, моддий-табиий ишлаб чиқариш бойликлари

¹⁴Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

захирасини 7,08 фоизга ошириш, ишчи-ходимларнинг меҳнат фаолияти самарадорлигини 283,2 млн.сўмга (2019 йилда 149,2 млн.сўм) ёки 189,8 фоизга ошириш, диверсификация қилиш эвазига эришиладиган натижани 5,6 мартага (2016 йилга нисбатан) ошириш имкониятига эришилади. Таҳлил қилинган кимё саноат корхонасида меҳнат фаолияти самарадорлиги кўрсаткичининг ошиб бориши маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланаётган жонли меҳнатнинг самарадорлиги юқори эканлигини ифода этади. Ушбу кўрсаткичдан фойдаланган ҳолда кимёсаноат корхоналарида муайян вақт бирлиги давомида меҳнат билан банд бўлган ишчилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни аниқлаш имконини берадиган меҳнат унумдорлиги кўрсаткичини аниқлаш мумкин бўлади.

Эришиладиган инвестицион натижаларни ўтган даврларга нисбатан таққослайдиган бўлсак, 2025 йилда прогноз кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 7,3 мартага, 2019 йилга нисбатан эса 1,7 мартага ошириш имконига эга бўламиз. Албатта, инвестицион салоҳиятнинг ошишига аввало, таъсир кўрсатувчи асосий омилларни инобатга олган ҳолда кимёсаноат корхонаси фаолиятини тўғри ташкил этиш ва бошқариш, корхонада инновацион ривожланиш тамойилларини муттасил жорий этиш, аниқланган захираларни ишлаб чиқариш жараёнига самарали сафарбар этиб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.



5-расм. «Дехқонобод калий заводи» АЖнинг 2011-2020 йиллардаги кўрсаткичлари ва 2021-2025 йиллардаги прогноз кўрсаткичлари, (млрд.сўм)¹⁵

Юқорида келтирилган кўп омилли таҳлил натижалари ёрдамида инвестицион салоҳиятни ривожлантиришда молиявий, моддий-ресурс, инновацион ва интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва

